

«Қабул - 2023» диний таълим муассасаларига жами 7 503 нафар абитуриент ҳужжат топширди



18:39 / 21.07.2023 2012

2023 йил 20 июль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига 2023-2024 ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёнлари якунланди. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим ва илмий тадқиқотлар бўлими маълумот берди.

Унга кўра, «Қабул - 2023» жараёнлари давомида диний таълим муассасаларига жами 7 503 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Жумладан:

– Олий диний таълим муассасаларига 650 нафар, шундан 91 нафари аёл-қиз ва 559 нафари эркак абитуриент;

– Ўрта махсус ислом таълим муассасаларига 6 853 нафар, шундан 2064 нафари аёл-қиз ҳамда 4789 нафар эркак абитуриентдан ҳужжатлар қабул қилинди.

Ушбу абитуриентларнинг барчасига кириш имтиҳонларида муваффақиятлар тилаймиз!

Маълумот учун, кириш имтиҳонлари саналари ҳақида қўшимча хабар берилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати